

Солижон ҚУРБОНОВ,
Андижон давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Акрам ХУДАЙБЕРДИЕВ,
Андижон давлат университети магистранти

ШОИР НОСИР БУХОРИЙ ВА УНИНГ ДЕВОНИ ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ ҲАҚИДА

Шоир Носир Бухорий ижодига ўрта асрлардан бери қизиқиб келинган. Тазкиранавис олимлар, машҳур шоирлар ўз асарларида Носир Бухорий номини ўша даврнинг буюк сиймолари қаторида тилга олиб ўтганлар. Аммо шу вақтга қадар шоирнинг лирик мероси бир жойга тўпланиб, таҳлил қилиб берилмаган эди. Шу боис Носир Бухорий девонининг қўлёзма нусхаларини излаш ва ўрганиш жараёнида илмий фондларда учраган ва ҳали истифодага кирмаган барча қўлёмаларни тўпладик ва уларнинг фотонусхаларини олишга муваффақ бўлдик.

Изланишлар натижасида Наманган, Душанбе, Техрон, Санкт-Петербург, Тошкент шаҳарларида шоирнинг девонлари, Боку шаҳрида эса “Ҳидоятнома” маснавийси сақланаётганлиги аниқланди.

1. Наманган нусхаси¹. Девон қисқа сўзбоши билан бошланади. Кейин Худони ва пайғамбарни ҳамд ва наът этишга бағишланган шеърлар берилган. Бундан сўнг ўша замоннинг машҳур кишиларидан Мавлоно Шамсуддин Муҳаммад, Хожа Садруддин, Шайх Султон Увайс ва бошқаларга бағишланган қасидалар, ҳайитлар муносабати билан ёзилган шеърлар,


¹ دیوان ناصر بخاری ўзФА ШИ, Ҳамид Сулаймон фонди. Инв. № 1609.

тўртта таржиъбанд, учта мухаммас, иккита маснавий ва ўнта ҳар турли қитъалар киритилган, сўнг 112 варақдан 255 варақча алифбо тартиби билан шоирнинг 460 ғазали жойлаштирилган. Кейин еттита рубоий берилган. Девон 7000 байтга яқин шеърларни ўз ичига олади. Қўлёзма жуда яхши сақланган, қалин Хуросон қоғозига настаълиқ хатида битилган. Шеърлар икки қаторга жойлаштирилган бўлиб, атрофи ҳалли ва рангли чизиқлар жадвали билан ўралган. Девон 256 варақдан иборат бўлиб, 858 ҳижрий (1454 милодий) йили Шерозда Маҳмуд Котиб деган хаттот томонидан кўчирилган.


Мазкур девонда берилган:

1. با سنبلیش آویختم از روی نیاز (Сунбул сочиға осилдим, ҳожат юзасидан);

2. کر همجو من افتاده این دام شوی (Ғар бу домга илинган мен каби бўлсанг) деб бошланувчи иккита рубоий ва لوح دل جان نرود (Сенинг суратинг жону дилим лавҳасидан асло кетмайди) матлаи билан бошланувчи бир ғазали Носир Бухорий замондоши Ҳофиз Шерозийнинг Техронда 1320 ҳижрий (1941 милодий) йили чоп этилган девонида ҳам берилган. Бу рубоийлар Носир Бухорийнинг Боку шаҳрида сақланаётган қўлёмасида ҳам мавжуд.



1-расм. Носир Бухорий девонининг Наманган нусхаси.



2-расм. Носир Бухорий девонининг Душанбе нусхаси.

2. Душанбе нусхаси. Тожикистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган девон².

Бу девонда Котибий ва Носир ғазаллари жойлаштирилган. Носир ғазаллари девонининг хошиясига битилган. Девонда ғазаллардан ташқарн 767 ҳижрий (милодий 1365) йилда ёзилган маснавий (бошланиши йўқ), таржиъбанд берилган. Қўлёзма қалин Хуросон қоғозига настиқ хатида кўчирилган. Ҳар бир варақ турли хил безаклар билан безатилган. Уларнинг атрофи ҳалли ва рангли чизиқлар билан чизилиб, жадвал ҳосил қилинган. Қўлёзма қайта ишланиб, муқовалари янги қилинган. Девон 850 ҳижрий рамазон (милодий 1446 йил ноябрь-декабрь) ойида кўчирилган. Девон 233 варақдан иборат бўлиб, жами 292 та ғазал жойлаштирилган. Бу ғазаллардан 185 таси Наманган девонида мавжуд, 107 таси янги топилган ғазаллар ҳисобланади. Душанба девони Наманган шаҳридан топилган шоир девонидан 7-8 йил аввал ёзилганлиги маълум бўлди.

3. Санкт-Петербург нусхаси. Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланаётган девон³.


Мазкур қўлёзмада шоирнинг 43 та ғазали жойлаштирилган. Шундан 25 таси Наманган девонида, еттитаси Душанбе девонида борлиги аниқланди. 11 таси янги топилган ғазалдир, қўлёзманинг кўчирилган йили йўқ.

4. Тошкент нусхаси. Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган девон⁴. Бу қўлёзмада шоирнинг 18 та ғазали мавжуд бўлиб, шундан 13 таси Наманган девонида, 3 таси Душанбе девонида, 1 таси Санкт-Петербургдаги қўлёзмада берилган. Бир ғазал эса юқоридаги девонларда учрамайдиган янги топилган ғазалдир.

² دیوان ناصر بخاری Тожикистон ФА Шарқшунослик институти. Инв. № 884/VII

³ دیوان ناصر بخاری Санкт-Петербург ФА Шарқшунослик бўлими. Инв. № 1642.

⁴ دیوان ناصر بخاری Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма рақами № 2236.



3-расм. Носир Бухорий девонининг Санкт-Петербург нусхаси.

5. Техрон нусхаси. Булардан ташқари мазкур ишда Носир Бухорий девонининг Эрон Ислом Республикасида нашр этилган матни ҳам жалб этилди⁵.

Мазкур асар диوان اشعار ناصر بخارى (Носир Бухорий шеърлари девони) деб аталиб, унинг таркибига Техрон университетининг марказий кутубхонасида, Миллий мажлис кутубхоналарида сақланаётган 863, 864 ва 1304 хижрий йиллари ёзилган Носир Бухорий девонларидаги ғазаллар киритилган.

Девон сўзбоши билан бошланади. Сўнг ҳамд ва наът этишга бағишланган шеърлар, ўша замоннинг машҳур кишиларига атаб ёзилган қасидалар, таркибанд ва таржиъбандлар киритилган. 157 varaқдан бошлаб 400 varaққача алифбо тартиби билан шоирнинг 639 ғазали жойлаштирилган. Кейин 24 рубой берилган. Девон доктор Меҳди Дарахшон томонидан нашрга тайёрланган ва 1353 хижрий (милодий 1974-75) йили нашр қилинган.

Шоирнинг лирик ғазалларидан ташқари **Боку шахридаги** Озарбайжон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида “Ҳидоятнома” деб аталувчи маснавийси сақланмоқда⁶.



4-расм. Носир Бухорийнинг Боку шахрида сақланаётган “Ҳидоятнома” асарининг қўлёзма нусхаси.

⁵ Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти. Босма, инв. № 22706. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти. Босма, инв. № 22706.

⁶ Озарбайжон ФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма рақами № 242/2665.

Китоб Худони васф этишга бағишланган иккита ҳамд билан бошланади. Кейин оламнинг яратилиши, китобнинг ёзилиш сабаби ҳамда зотнинг маърифатга етишиши тўғрисида ёзилган. 12 варақдан то 28 варақча шоирнинг маснавийси битилган. Носир Бухорийнинг 6 та қитъаси, 15 та рубойиси ҳам берилган. Маснавий, қитъа ва рубойларнинг ҳаммаси бўлиб 1200 мисрага яқин. Қўлёзма жуда чиройли ёзилган ва яхши сақланган. Шунинг учун ҳам 1969 йили Самарқандда теурийлар даври санъатига оид кўргазма очилганда бу китоб ҳам қўйилган эди. Шеърлар настаълиқ хатида, чиройли кўчирилган. Улар икки қаторга жойлаштирилган бўлиб, ҳалли ва рангли чизиқлар билан ўралган. Безаги Шероз мактаби. Китоб ҳажми 32 варақдан иборат бўлиб, 864 ҳижрий сафар ойининг ўрталари (1459 милодий, декабрь) да хаттот Ҳамза ибн Абубакр Тобон томонидан кўчирилган. Лекин маснавийнинг ёзилган йили берилмаган. Бу китобнинг кўчирмасини олиб келиб, Душанбеда сақланаётган тўлиқ бўлмаган маснавий нусхаси билан солиштирган эдик, ўша маснавийнинг айнан ўзгинаси бўлиб чиқди. Бу маснавийнинг ёзилган йили Душанбе девонида кўрсатилган:

شد این نامه بر نام میمون تمام در سال عرب
هفتصد و شصت و هفت

(Бу рисола етти юз олтимиш еттинчи йили яхшилик ато қилувчи Ҳақ таъоло номи билан ниҳоясига етди).

Шоирнинг бу маснавийси ҳам қадимги қўлёзмалардан бўлиб, Наманган девонидан олти йил кейин кўчирилган.

Асарнинг илмий-танқидий матнини тузишдан аввал асар нусхаларини қиёсий йўл билан чуқур ўрганиб чиқишга тўғри келди. Девоннинг барча нусхаларидаги ғазаллар рақамлаб чиқилди, истифода этилган қўлёзмалар лотин алифбосининг бошланишидаги беш ҳарф билан белгиланди.

Масалан: Наманган қўлёзма нусхаси – “А”, Душанбе – “В”, Санкт-Петербург – “С”, Тошкент – “D”, Боку – “Е”.

Муқояса натижалари кутилмаган даражада мураккаб ва хилма-хил: нусхалар

орасидаги тафовутлар одатдагича айрим сўз ёки жумлаларгагина алоқадор бўлиб қолмасдан, баъзан бутун-бутун мисра, байтлар, ҳатто ғазалларга ҳам алоқадор бўлиб чиқди. Девон нусхалари солиштириб чиқилганда қуйидагиларни кўрдик: “А” нусхада 2213 та, “В” нусхада 1858 та, “Е” нусхада 503 та, “С” нусхада 114 тадан кўпроқ тафовут борлиги кўзга ташланди.

Масалан, “А” нусхадаги 31-ғазалда 3 байт, 73-ғазалда бир байт тушиб қолган ва ҳоказо. Тушиб қолган байтлар “В” нусхадан олинди ёки аксинча “А” нусха асосида “В” нусха тўлдирилди. “В” нусхадаги 114-ғазалда бир байт, 119-ғазалда 5 байт тушиб қолган. Ушбу байтлар “А” нусхадан олинди. Ғазаллардан тушиб қолган мисралар, радифлар, айрим сўзлар ҳам ана шу тарзда тўлдирилиб борилди. Қиёсий таҳлил жараёнида сўз ва иборалардаги тафовутларни муносибларига қараб тузатдик.

Асар нусхалари орасидаги фарқлар – кўп ва мураккабдир. Жами 5013 дан ортиқ тафовут кўзга ташланади. Матнда 100 дан ортиқ байтлар, 20 дан ортиқ мисралар, 150 дан зиёд радиф ва айрим сўзлар тушиб қолган. Қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш асарнинг танқидий матнини яратишда “А” нусхасининг асос қилиб олинishi мақсадга мувофиқлигини кўрсатади. Бу қўлёзма – мавжуд нусхаларнинг энг мукаммали ва сифатлироғидир. Бошқа қўлёзмалар эса илмий-танқидий матнни яратишда ёрдамчи манбалар бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Истиклол шарофати ва Яратганнинг инояти билан илгари номларини ҳам билмаган Носир Бухорийдек улуғ аждодларимизни кашф этиш, уларнинг табаррук номларини қайта тиклаш ва жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган ноёб меросидаги дурдоналарни ўрганиш долзарб мавзулардан бири ҳисобланади.